

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• Баҳоси эркин нарҳда •



ХИРОМ

Мухаммад АМИН сурати

УШБУ СОНДА:

2 — бет

•Икки бошли митти аждаҳо

... тана битта бўлишига қарамай, иккала бошнинг ҳам иштаҳаси баланд. Улар озуқа учун ташланаётган ҳар бир сичқонни талшиб-тортишиб "та-новвул" қилишяпти.

4 — бет

•Трамвай думидаги бола

Афтидан, ҳалиги эркак ва аёл болакайнинг ота-онаси еки яқин қариндоши эди. Чунки бола билан уларнинг ўртасидаги ҳатти-ҳаракатлар табиий равишда шунини кўрсатаётганди. "Тадбиркор" ўғил эса ичкаридагиларга кўрсатаётган найрангларидан ва унга ҳеч ким индамаётганидан ўзида йўқ хурсанд...

7 — бет

•Мияни кўчириб ўтказиш мумкинми?

"Лоран бошини енга бурдию, худди электр токи ургандайин қалтираб кетди. Унга танасиз инсон боши бақрайиб турар эди. Бош тўртбурчак ойнага бириктирилган бўлиб, ойнани тўртта узун металл оёқчалар кўтариб турар, артерия ва веналарга бириктирилган найлар баллонларга уланган эди...

Бош киприкларини қоқиб Лоренга диққат билан ва айни пайтда қайғули қараб турарди."

8 — бет

•Бобомурод Ҳамдамов:

... Санъатчиларнинг кўпайиб кетишимиз шу микрофон шовқинининг зўрлигидан. Ҳатто нафас олишимиз эшитилади. Шунинг учун гапирса ҳам овоз гўмбирлаб чиқиб турса, биздан ҳам ашулачи чиқаркан-ку" дея ўзини санъатга уради...

Келгуси

"Қайси боғчадан келаяпсан... студент?"

(15 ёшли толиб билан суҳбат)

Алижон Зоҳидий:

Юнон баҳодирларининг сири



Муҳтарам муштарийлар!

"Оила ва жамият"

газетига обуна давом этмоқда.

Эслатиб ўтамиз:

"Оила ва жамият"га фақат биринчи ярим йилликка обуна ўтказилмоқда.

Обуна баҳоси:

6 ойга — 83 сўм 40 тийин.

3 ойга — 41 сўм 70 тийин.

Шов-шув

ИШБИЛАРМОН БЎРИЛАР

Ха-ха, худди шундай. Бўриларнинг худди ўзи. Сиз кимгадир шаъма қилаётгандир булар, деб ўйламанг-да тагин. Авваллари кўрага кирган бўри еганича еб, тўйгач бир қўйни елкасига ташлаб кетади, деб эшитганимиз бор эди. Бу гал ундай бўлмади. Бўрилар одатларига хилоф ш ш тупдир. Чамаси уларда ҳам ишбилармонликка йўл очилди, шекилли.

Нўябрнинг охирларида Бахмал тумани "Сангзор" жамоа хўжалигида яшовчи Ҳақимбойваччанинг кўрасига кирган бўрилар бир кечада 7 (етти)та қўйни бўғизлаб кетди. Аммо, кўра эшигини бузиб кирган бўрилар галаси фақат шу билан кифояланмади. Йўйқ, битта-битта қўй елкалаб ҳам кетмади. Кўрадаги қолган 30 чоғли қўйнинг ҳаммасини ҳовлидан ҳайдаб

чиқди. Кейинроқ хабар топган уй соҳиби қўйни-қўйинларни йиғиб, бўрилар кетидан тушди. Тўғри тоққа олиб борувчи жар йўлига етай деб қолган бўрилар орқадан келаётган одамлар ҳидини олиб, қўйларни ўз ҳолига ташлаб қочди. Қўйлар нақ жар еқасидан қайтариб келинди.

Олим АЛИМАТОВ, Бахмал тумани

Бир куни


УХЛАЁТГАН ХУНУК

Метронинг Ойбек бекатида вагонга ёши олийқотган, маккора ва айёра ёсуманга айланган тмишлардан ошган бир онахон чиқди-да, жой эди...

беради деган ниятда бурчакдаги ўриндиқда ўтирган қиз томон юра бошлади. Қиз ниҳоятда соҳибжамол эди. Очиғи, мен унга бир муддат маҳлиё ҳам бўлиб қолдим. Ўзимча, ҳозир у назокатли такаллуф ила онахонга ўрнини бўшатиб беради-да, "бахтли бўл она қизим" деган дуога сазовор бўлади деб ўйладим. Бироқ тахминим нотўғри чиқди. Кампир яқинлашиши билан сездимки, атайдан бояғи "Моҳичеҳра" ўзини ухлаганга солиб, кўзларини юмиб олди. Ҳаёлимни банд этган паризод кўзимга бирам хунук кўринди. Беихтиёр ижирганиб кетдим. Бу орада кимдир жой берди. Шунда ҳалиги қиз бола қия қилиб, секин кўзини очди-да, ҳеч нима бўлмагандек ўтираверди.

Энди у мен учун олдинги гўзаллигини

Лазиз ТАНГРИЕВ



Аҳмадильо СОЛИЕВ сурати

Етти кун

ИККИ БОШЛИ МИТТИ АЖДАҲО

Фаргона водийсидан топилган икки бошли илон ТошДУ биология факультетида, аквариумда сақланмоқда. Барчанинг диққатини тортаётган бу митти аждаҳоннинг захри йўқ бўлиб, узунлиги бор-йўғи 40 см келади. Янаям кизиги, тана битта бўлишига қарамай, иккала бошининг ҳам иштахаси баланд. Улар, озука учун ташланаётган ҳар бир сичқонни таллашиб-тортишиб "тановул" қилишяпти.

ҲАММА КАБОБ ЕЯПТИ

Хабарларга қараганда, Иштихон тумани марказида ишловчиларнинг деярли барчаси тушлиқда кабоб ейишмоқда. Ўшг мўлги туфайлими, ҳар қалай туманда энг арзон емиш бутунги кунда кабоб бўлиб турибди.

СЕЛ, ТЕРАК ВА ФОЙДА

Бундан ўн йил муқаддам Шўрчи туманидаги А. Сафаров номи жамоа хўжалиги дехконлари селга қарши тўсик бўлар деб, Сурхон дарёси бўйига, 10 гектар жойга Калифорния тегари қаламчалари қадаб чиқинганди. Эндилдиқа баҳайбат теракларга айланган ўша қаламчалар катта фойда келтира бошлади. Хўжалик маъмурияти теракларнинг ҳар бирини ўзларининг одамларига 600 сўмдан, бошқалар учун эса 1200 сўмга пуллашмоқда.

ОЙНАИ ЖАХОННИ ДЕНОВДА КЎРИНГ

Яқинда Деновда етмиш беш метрлик телемнора қурилиб, ишга туширилди. Оқибатда фақат яқин атрофдаги аҳолигагина хизмат кўрсатаётган Денов телевидениеси вилоятнинг 8 та туманига ўз кўрсатуварини намойиш қила бошлади.

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ — МУХЛИСЛАРИМИЗ

Қўшработ туманида ишлайдиган кутубхоначиларнинг барчаси (50 нафар) "Оила ва жамият"га ўз ҳисобидан обуна бўдилар.

ДАРАХТЛАР ХАВФ ОСТИДА

Тўртқўл шаҳрининг Гулистон маҳалласида ўтган йили табиий газ бўлмади. Одамлар уйларини печка қуриб иситишди. Овқатни ҳам ўчоқда тайёрлайдиган бўлишди. Натияжада катта-катта дарахтлар ўтти учун кесилиб кетди.

Миш-мишларга қараганда, бу йил ҳам газ бўлмади. Маҳалла ахли кишдан эсон-омон чиқиб олиш учун яна дарахтларни кўз остиларига олиб юришибди.

КЕЧИККАНЛАРГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Тошкент Молия олийгоҳи молия факультетида йўлга қўйилган бир ибратли тадбир талабаларнинг боқибегамлигига чек қўйди. Соат 8 дан 25 дақиқа ўтганида бу масканининг барча эшиклари тақатка бекитиб қўйиладиган бўлди. (Дарс 8 яримда бошланади).

Дарвоқе, бир ёпилган эшиклар кечиккан домдалар учун ҳам очилмапти.

"БУ ТЎЛҚИНДА БИ-БИ-СИННИНГ ЖАҲОН ХИЗМАТИ"

дея, яъни ўзбек тилида кечадан бошлаб ҳар куни соат 22.00 дан 23.30гача 49,22, 31,30, 25,16 метрлик каска тўққилларда ўз эшиттиришларини бера бошлади. Би-Би-Сининг Евроосиё бўйича масъул ходими Давид Нортолиннинг фикрича, "мақсад — одамларга ҳолис ахборот етказишдир". Шунингдек, у орқали инглиз тилини ўрганишнинг мумкин. Ўзбекча гапириш билан биргаликда озарбойжон тилида ҳам эшиттириш бошланди. Бу билан "Би-Би-Сининг жаҳон хизмати"да ўзга тилда бериладиган эшиттиришларнинг сони 41 тага етди.

Мухбиримизнинг, "Би-Би-Си"нинг Ўзбекистондаги мухбири маҳаллий ернинг сиёсий-иқтисодий ҳамда диний жиҳатларини қай даражада бизани" деган саволига Д. Нортолин: "Мухбиримиз Аман Жонсон Ўрта Осиёнинг барча жиҳатларини яхши билади, деб ҳисоблаймиз" дея жавоб берди. Дарвоқе, А. Жонсон ўзбек тилини билмас экан. Тил эса халқнинг қалбига йўл бошловчи кўз — нигоҳ. Қизик, Би-Би-Си Ўзбекистонга кимнинг нигоҳи билан назар солар экан.

СОБИҚ АСКАРНИНГ ТУҲФАСИ

Чирокчи тумани Наврўз жамоа хўжалигидан 4 йил бурун Олмонияга аскарликка юборилиб, ўша ёқларда қолиб кетган йигит яқинда уйини йўқлаб келди. Ташриф қуруқ бўлмади. Шоввоз катта юк машинасига ортиб келган иккита ениъл машинани қариндошларига туҳфа қилиб кетди.

МАЙИЗНИНГ БАҲОСИ

Шу кунларда Сурхон бозорларида майиз мўл ва арзон бўлиб турибди. Буни шундан билса ҳам бўладики, яқинда олтинсойлик боғбон акахонимиз бир кило сара майизини бойсунлик қатихчининг бир литр қатигига айирбош қилиб юборди.

ҲЎРМАТЛИ ЙЎЛОВЧИЛАР!

"Тошкент—Москва" почта пойизига чиқмоқчи бўлсангиз, овора бўлиб чипта олиб юрманг. Чунки, правданиқлар чиптадан кўра озоққ бўлса ҳам пулни афзал билишади. Яқинда шу пойизга миниб қолган бир мухлисимизнинг айтишича, "билети борларга хатто жой ҳам насиб этмайди, мўлроқ пул узатганларгина маза қилиб кетиши мумкин".

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

САНЪАТИМИЗНИ ЖАҲОН ОЛҚИШЛАР

РЕСПУБЛИКА МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ХАЛҚАРО БЎЛИМИ МУДИРИ НЕМЪАТУЛЛА ЖАББОРОВ БИЛАН СУҲБАТ



— Республикаимиз кўпгина чет давлатлар билан маданият борасида алоқалар қилиш ва ҳамкорликда иш юритиш юзасидан шартномалар тузган. Шуларни амалда бажариш, миллий маданиятимизни чет давлатларда намойиш этиш ва уларни Республикаимизга келишларини ташкил қилиш бўлимининг асосий вазифаси ҳисобланади. Собиқ Шўро замонидан бу ишларнинг ҳаммасини Москва бажаргани учун бизнинг имкониятларимиз ниҳоятда чекланган

эди. Мана Мустақиллик шарофати билан миллий маданиятимиз ҳам жаҳонга юз тутмоқда.

— Санъаткорларни чет эл гастролига боришлари учун нима ишлар қилинади?

— Буни бир неча йўли бор. Вазирлигимиз ҳисобидан, Молия вазирлиги ҳисобидан ва таклиф қилаётган давлат еки томон ҳисобидан гастрол уюштирилади.

Гастролга халқимиз орасида шуҳрат қозонган, миллий санъатимиз ривожига катта ҳисса қўшаётган ва ўша борадиган жойда санъатимизни яққол намоён эта оладиган, вазирлигимиз санъат бўлими томонидан тавсия этилган санъат соҳиблари, жўнатилади. Олдинги йиллари нисбатан 1994 йилда энг кўп, 300 нафардан ортқ санъаткор чет элда ўз дастурларини намойиш этиб, қайтишди. Биз фақатгина санъаткорларнигина эмас, балки маданият

соҳасидаги иқтидорли мутахассисларни ҳам чет элдан ўз соҳалари бўйича малака ошириб келишларини ташкил қилмоқдамиз.

— Шу яқин ўтган кунларда қандай санъат сафарларини уюштирдиларингиз.

— 21-27 сентябр кунлари А. Исмоилов бошчилигидаги мақомчилар ансамбли, Насиба Абдуллаева ва "Самарқанд" гуруҳи, ҳамда "Ялла" вокал-чолгу эстрада гуруҳи Японияда бўлиб қайтишди. 3-12 октябр кунлари Туркияда бўлиб ўтган "Қорақўз" халқаро кўнрочқ театрининг фестивалида Республика кўнрочқ театридан 10 нафар артист иштирок этди. 7-15 октябр кунлари Покистоннинг Исломобод шаҳрида бўлиб ўтган "Хунармандрлар иш устида" номи бичинчи халқаро фестивалида Республикаимиздан Вазирлигимиз тасарруфидан 53 нафар хунармандр устлар иштирок этишиб, совринли ўринларни эгаллашди. 24-31 октябр кунлари Франция пойтахти гўзал Па-

рижда, ЮНЕСКО қароргоҳида буюк олим, етук давлат арбоби ва фалақийет сultonи бобоқалонимиз Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллик тантаналарида Республикаимиздан 15 нафар санъаткор иштирок этди. Улар ўз чиқишлари билан Улугбек тантаналарига улкан ҳисса қўшибгина қолмай, бутун Оврупо халқига миллилатимиз санъатини намойиш этишига муяссар бўдилар.

— Маданият Вазирлигида еш санъаткорларга муносабат қандай. Нима бўлганда ҳам улар шуҳрат қозонган етук санъаткор даражасига чиқа олганлари йўқ-ку?

— Еш санъаткорлар ҳозирги пайтда жууда кўпчилигини ташкил қилади. Уларнинг орасида албатта иқтидорли хонандалар ва машҳур бўлиб бораётган гуруҳлар ҳам бор. Биз барта имкониятларимизни ишга солиб, санъат бўлими билан биргаликда ешларни ҳам четта чиқаришга ва уларни етук юлдўзлар бўлишга ёрдам берашпмиз. Чунки улар келажикда миллий санъатимиз ўрнини белгилайдиган санъаткорлардир. Биз ҳеч қачон келажак авлодни ездан чиқармаслигимиз керак. Шундай экан, уларни қўллаб-қувватлашга биз доим тайимиз.

Эркин ЭШОНҚУЛОВ суҳбатлашди

Низомулмулк

Нуширвони Одил бир куни мулозимлари ва хизматчилари билан овга чиқибди. — Аждодлар экканини биз едик, биз эккандан авлодлар бахраманд бўлар дедим.

УМИДНИНГ ТАГИ ОЛТИН

Бир кишлоқнинг четидан ўтиб кетаётиб тўксонларга бориб қолган, ёнғоқ экаётган бир чолга кўзи тушибди. У хайрон бўлибди, чунки ёнғоқ йагирма йилдан кейин мевага кирдида. Сўнг чолдан сўрабди:

— Ота, экаётганингиз ёнғоқ дарахти бўлса керак?

— Ҳа, шаҳаншоҳ, экаётганим ёнғоқ дарахти.

— У мевага киргунча яшармикансиз, бунини биласизми?

— Йўқ, билмайман, аъло ҳазрат.

— Унда нега овора бўлаётисиз?

ган умиддаман. Нуширвони Одил чолнинг жавобидан мамнун бўлибди ва уни минг дирхам оқча билан мукофотлабди. Чол подшоҳга миннатдорчилик билдира туриб, дебди:

— Худого шукр, эккан ниҳолимизнинг мевасига муҳлатидан аввал етишдик.

Нуширвони Одил тааж-жубланибди ва сўрабди:

— Қанақасига етишдингиз, қани ўша сиз етишган мева?

— Мана! — дебди чол ҳалиги подшоҳ инъом этган минг дирхамни кўрсатиб.

Афанди ва Афанди

Т Умринг кўёшига бермасун,
а чарх завол,
х Жонинг қамарини қилмасун
л давр ҳилол.
и Тун-кун бўлғил маҳравишу
л меҳрисол,
л Даҳр аҳлига нурбахшу фархун-
да жамол.
л Фалак умринг қуёшини ботирмасин.
л Жонинг тўлиқ ойини замон ярим қилиб қўймасин.
л Тун-кун сен ой одатлию, қуёш хислатли бўлгин; дунё халқига нур сочиб, севимли бўлиб кўрингин.

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлига зам,
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам.
Кўзларни олишмоққа чекиб тиғи ситам,
Эл кўзини ҳам ўйгаю, ўз кўзини ҳам. Агар жоҳил жаҳлига ҳасад қўшилса борми: эл кўзидаги нурни ўзиникидан кўп кўради. Зулм тиғини қўлга олади-да, кўзларни алмаштириш учун эл кўзини ҳам ўяди, ўз кўзини ҳам!

Рубойларни таҳлил этувчи Ваҳоб РАҲМОНОВ



ЯХШИ ЧИҚДИМИ? Х Мирзакаримов сурати.

БУЗОҚЧАМ

Бузоқчам пешонаси оқ қашка.
Оқ қашкам нишонаси йўқ бошқа.
Ўйнайди дикир-дикир, тўқачам.
Шўх бўлса-да кўп сезгир буқачам.
Тушганча қора терга, айтсам рост,
Ўйнаймиз бирга-бирга икков дўст.

Мушарраф ОХУНОВА

Буни қаранг!

Катта ёшдаги одамларга тўхтамай 100 та сўзни айтиш учун атиги 20 секунд вақт етарли экан.

Аниқланишича, сичқон юраги бир минутда 1000 мартага яқин урармиш.

Энг узоқ туш кўриш 45 минут давом этиши мумкин экан, холос.

Ер қурраси аҳолиси ҳар секундда 2 кишига кўпаяркан.

Одам бир кунда кўрган нарсаларни лентага тушириш учун 19 километрдан ортиқ узунликдаги киноплёнка керак бўлармиш.

Миллиард марта нафас олиш учун 95 йилдан кўпроқ яшаш керак бўларкан.

Адаб

Боболар демишлар:

Иззат талаб бўлма — уятга қоласан: таом мазалик экан деб кўп ема, охири заҳар таъмини тортасан.
Мансабдор мол тўплайди, оқил фазилат.
Ҳар кимга озор бера кўрма — дунё барчага баробардир.

Душман билан ҳамсухбат бўлганингда ҳам ўзингни ундан баланд тутма.
Ахлоқ ва одобда яхши дўстларингдан андоза ол.
Кимки адабсиз дўст ахтарса — дўсти камаяди, кимки дўстини хатоси учун айб-ситса — душмани кўпаяди.
Сўзни ҳақимлардан эшит, машҳур кишилар билан суҳбатда бўл, билмаганингни олимдан сўра, чунки мулоим одамларнинг сўзларида хотамлик бор. Машҳур кишилар билан суҳбатга зарурат бордир.


Афанди

Афанди эшагини йўқотиб сўроғлаб юрарди. Ногаҳон бир одамга йўлиқиб: — Эшак йўқотдим, кўрмадингизми? — деб сўради. У одам деди: — Эшагингиз фалон шаҳарда қози бўлибди.
Афанди айтдики: — Рост айтсан. Менинг ўзим ҳам қози бўлгандир, деб гумон қилиб юрдим. Чунки аксар вақт қозилик масаласида дарс ўтганимда астойдил қўлоқ солиб тинглар эди.
Афандидан бир киши сўрабди: — Афандим, албатта вайрон қиларди, — дебди. Афанди: — Шундай бўлгач, ҳар кун иморат йиқилиб янги иморат қилишга машғул бўлсак, бозоримиз қолар эди, — деб жўнаб кетибди.

Афанди бозор ичида баланд овоз билан қичқира бошлабди: — Эй мусулмонлар, ҳар доим худого шукр айтинглар, туяга қанот бермабди. Агар туяга қанот берганида, бу тариқа бозор қилиб юрмоқ йўқ эди.
Шунда бир одам, туянинг қаноти билан бозорнинг нижа даҳли бор, деб сўрабди. Афанди айтибди: — Эй, аҳмоқ, шу ақлинг билан ўзингни одам шаклига солиб юрибсанми? Агар туянинг қаноти биримизнинг тожимизга қўнса, вайрон қилармиди, йўқми?
Ул киши: — Афандим, албатта вайрон қиларди, — дебди. Афанди: — Шундай бўлгач, ҳар кун иморат йиқилиб янги иморат қилишга машғул бўлсак, бозоримиз қолар эди, — деб жўнаб кетибди.

Нечта қатак?

Азиз болажонлар! Шаклдаги харфларни, турли йўналишда ўқиш билан неча мартабага "қатак" сўзини ҳосил қилиш мумкинлигини топингчи!
Тенгдошларингиз билан мусобақалашиб кўринг, қани ким шаклдан "қатак" ни энг кўп ўқий оларкин!
Жавобингизни хат орқали бизга маълум қилинг.
Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ



«Оила ва жамият» 46 [169]

"Гарчи Чинда бўлса ҳам шмага иштилинлар" дейилади ҳадиси шарифда. Дарҳақиқат, или истаган инсон учун масофа ҳеч бир тўсиқ эмас. Имом Бухорий, ат-Термизий, Замахшарий, Ибн Сино, Беруний каби алломаларимиз дунё кезиб, маърифат жавоҳирларини тўплаганлар. Мулла Бозор Охунд қўлида таҳсилни тавомлаган Бобораҳим Машраб Қашқарда, пири комил Офоз Ҳўжа даргоҳида билимларини тақомилга етказган... Бундай мисолларни тарихимиздан исталганча келтириш мумкин. Бугунги кунда ҳам бо-бокалонлари изидан бориб, хорижда, обрўли дорилфунун, олийгоҳларда таълим олаётган ёшларимиз оз эмас.

Сўхбатдошим Мухторбек Мансуров — наманганлик, 21 ёшда, ҳозирги кунда Мисрда ал-Азхар дорилфунунининг тайёрлов бўлимида сабоқ олмақда.

— Хорижда, яна ал-Азхардек машҳур дорилфунунда ўқиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Сиз бунга қандай эришдингиз?

— Абдулазиз Сауд ал-Баптин деган кувайтлик киши бор. Асли касби-савдогарлик. Кувейт, Саудия Арабистони, Миср ва бошқа мамлакатларда катта-катта дўконлари мавжуд. Шу билан бирга илмга, адабиётга ниҳоятда ихлосманд одам. Шерлар ёзади, адабий мажмуалар чоп этади. Итифок парчалангач, у киши муулмон жумҳуриятлари — Марказий Осиё, Қозоғистон, Озорбайжонга бориб, ҳар бир жумҳуриятдан ўн-ўн беш талабани хорижда ўз ҳисобидан ўқитиш истагани билдирган. Шу тақлифга биноан Тошкент ислом олий маъҳади (мен бу пайт шу даргоҳда ўқирдим) томонидан пешқадам талабалардан 10 таси танлаб олинади. Бу — 1992 йил сентябридаги гап. Бир ойдан сўнг чет элга тақлифнома-виза олдик. Тошкентдан Москвага, Москвадан Кипр орқали Кувейтга учдик. Кувейтда уч кун тургач, Мисрда йўл олдик ва тез орада тайёрлов

бўлимида таҳсилни бошлаб юбордик. Ҳозир эса, кўриб турганингиздек, таътилдаман.

— Ал-Азхар дорилфунунни қачон ташкил топган? Умуман ўқув юрти ҳақида бизга нималарни ҳикоя қилиб бера оласиз?

— Ал-Азхар дунёдаги энг обрўли ва энг қадимий дорилфунунлардан. 972 йили, Фотимийлар даврида шу номдаги масжид хузурида очилган. Пайгамбаримизнинг суюкли қизлари Фотимаи Заҳро шарафлари-га ал-Азхар ("азхар" — "заҳро" сўзининг бир шакли) яъни, "атиргул" деб номланган. Дорилфунунда нафақат муулмон дунёси, балки Америка, Англия, Франция, Германия, Бразилия, Бельгия каби давлатлардан

фанлардан сабоқ оламиз. Баҳолаш даража асосида. Энг юқори баҳо-40, ўртача-30, ҳамда 20, 15-паст баҳолар ҳисобланади.

— Чет элда кун кўриш осон эмас. Айниқса, талабага...

— Дорилфунундан стипендия олмай-миз. Ҳомийимиз — ал-Баптин жаноблари томонидан ҳар биримизга ойига 200 жўнайх (тахминан 50-60 долларга тўғри келади) белгиланган. Озёк-овкатга юз жўнайх етади, қолган пул ўқув анжомлари, йўлқирага кетади, бўш вақтимизда саехатга чиқамиз. Биласиз, Миср бутун меъморий обидалари билан машҳур. Биз ҳам фиръавнлар қурдирган эҳромларни бориб кўрдик, музейларни айландик.

— Мисрда икки йилдан бери ис-

хориюлар" деб номлайди. Қохирада Аҳмад ибн Тулун жомеъ масжиди бор. Аҳмад ибн Тулун асли мовароуннаҳрлик, Миср вилоятининг ҳокими бўлган. Ҳозирги кунда ҳам Мисрда ватандошларимиз истикомат қилишади. Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхоннинг қуеви Мубошир Тарозий жаноблари қохиранинг обрўли адвокатларидан, Айниш-шамс дорилфунун профессорси. Биз у киши билан кўп ҳамсуҳбат бўламиз.

Мисрда айни пайтда 200 га яқин ўзбек талабалари бор. У ерда Ўзбекистон радиосини эшитамиз. Юртимизда бўлаётган янгилардан доим бохабаримиз.

— Сизни умидлари ушалган йигит десак ҳам бўлади. Аммо тирик жон борки, келажакдан нендир кутиб, орзу билан яшайди...

— Энг улуг орзуим муқаддас Маккаа Мукарраманни тавоф этиш эди. Оллоҳга шукрки, таҳсил бошланишидан аввал Саудия Арабистонига, умра зиёратига бориб келишга муваффақ бўлдим. Яна бир орзуим — тайёрлов бўлимини тавомлагач, ал-Азхарнинг тилшунослик факултетига ўқишни давом эттириш.

— Ниятингизга етинг!
Азиз АБДУВАЛИ
сўхбатлашди

МИСРДА БИЗНИ "БУХОРИЙЛАР" ДЕБ АТЛАШАДИ

келган талабалар ҳам ўқишади. Ўқиш пуллик. Мисрнинг асосий даромад манбаларидан бири туризм бўлса, яна бири талабаларни ўқитишдир.

Араб дунёсидаги ўқув юртларининг оёққа туришида ал-Азхар муаллимларининг улкан хизмати сингган. Уларнинг савияси ниҳоятда баланд.

— Ўқиш тартиби қандай ташкил этилган? Қайси фанлардан сабоқ оласизлар?

— Бомдод намозидан сўнг то пешингача беш-олти соат дарс ўтिलाди. Дарсларда Куръон, Куръон тафсири, Ҳадисдан (Имом Бухорийнинг "Ал-Жомеъ ас-сахих"лари, асосида), шунингдек Исломи тарихи, Миср тарихи, араб тили ва адабиёти, нотиклик санъати, мантик, фалсафа, жутрофия каби

тикомат қиляписиз. Бу мамлакат ҳақида таассуротларингиз қандай?

— Миср — араб дунёсидаги йирик давлатлардан бири. 70 милён аҳолиси бор. Пойтахти Қохирада 8 милён киши яшайди. Мисрликлар анча замонавий, аёллари ўртасида ҳатто машина ҳайдайдиганлари ҳам бор. Хали айтганимдек, асосий даромади — туризм. Ниҳоятда кўп сайёҳлар келади бу мамлакатга.

Мисрда бизни имом Бухорий, ат-Термизий авлодлари сифатида билишади. Олдий халқ кўпроқ "хуросонликлар", "бу-

ГУНОҲ

Трамвайда кетаётган йўловчиларнинг хаёлини орқа ўриндиқда ўтирган нотаниш аёл ва эркакнинг (улар эр-хотин бўлса керак) кулгиси бузди. Беихтиёр ўтирилдим-у уларга кўз ташладим. Улар эса негадир трамвайнинг орқасини ишора қилиб, бир-бирларига сўз қотар эдилар. Фаҳимча, трамвайнинг орқасида кимдир бор эди. Секин вагоннинг орқа томонига юрдим. Не кўз билан кўрайки, трамвайнинг орқасидаги думалоқ шаклдаги махсус темирга 8-10 ёшлар атрофидаги бир болакай бамайлихотир ўтирарди. Қизиги шундаки, у аҳен-аҳенда трамвай ичкарасида ўтирган боғия эркак ва аёлга кўз

ТРАМВАЙ ДУМИДАГИ БОЛА

қисиб, тишининг оқини кўрсатиб, эркалик қиларди. Афтидан, ҳалиги эркак ва аёл болакайнинг ота-онаси еки яқин қариндоши эди. Чунки бола билан уларнинг ўртасидаги ҳатти-ҳаракатлар табиий равишда шуни кўрсатаётганди. "Тадбиркор" ўғил эса ичкаридагиларга кўрсатаётган найрангларидан ва унга ҳеч ким индамаётганидан ўзида йўқ хурсанд.

Болакайнинг қилмишини томоша қилиб турган одамлар, айниқса боғия ота-она мени таажублантирди. Бориники, улар қулоқсиз боланинг ота-онаси еки қариндоши ҳам бўлмасин. Лекин улар кўпни кўрган инсон сифатида болага танбех бериши, уни тартибга чакириши мумкин эди-ку. Катталарнинг лоқайдлигидан рағбатланган бола унақанги бачкана ишларини давом эттириб оқибатда бирон бир фожеанинг устидан чиқиб қолмаслигига ким кафолат бера олади?

Худди ана шу нарса мени жуда қийнади.

Норали Очнлов,
ТошДД толмчи


САВОБ

Тўлаб Бўлмайдиган қарз

Бу воқеани битта танишимдан эшитгандим. Эшитиб жуда ҳайрон қолдим. Тўғриси кўнглимда сал шубҳа ҳам уйғонди. Бироқ унга бўлган ишончим шубҳалардан юқорироқ туршини ўйлаб, ўзимга тасалли бердим. Келинг, яхшиси бу воқеа баънини унинг тилидан сизга ҳам ҳикоя қилиб берай.

Барча талабалар қатори мен ҳам таътилда уйимга йўл олдим. Уз она шәҳримга боргач, юкларим оғир бўлгани боис такси ушлашга мажбур бўлдим. Очиғи, мажбур бўлдим эмас ҳайдовчининг самимий муомаласи, меҳр ёғилиб турган чеҳраси мени беихтиёр машинага чорлади. Бир кўрган одам ҳам ёши 40-45 лар атрофида бўлган бу таксичининг очиқ кўнгли, баъмани одам эканлигини дарров сезарди. Хуллас шофёрда исталган одамнинг кўнглига қўл сола оладиган қанақадир хусусият борлигини англагандек бўла бошладим. Шофёр йўл-йўлаккай чақчақлашиб қанақа оқиланинг фарзанди эканлигини, қаерда ўқишимни сўраб ўзи ҳақида кам гапирди. Шу сабабми манзил хийла узоқ бўлсада бирпасда етиб келганлигимизни сезмай қолибман. Юкларимни тушириб олгач, чўнтагимда қолган охири пулларимни чиқардим. Мен "қанча пул беришимни келишмагандим, тагин бу кам деб айтса-я" деган андишада иккиланардим. Шунда шофёр кулимсираб шундай деди:

— Э, ўғлим. Мен талаба бўлганлигинг учун



Улугворлик

сендан пул олмайман. Чунки сен ҳозир ота-онанг ҳисобидан еб, ичиб, ўқиб юрибсан. Қачонки ўқишингни тугатиб, ўзинг пул топадиган бўлганингдан кейин бу қарзингни узарсан.

Мен бирон нарса деёлмай машина ортидан пул ушлаганча қараб қолибман. Чунки мен унинг олдида қарздор бўлиб қолгандим. Мен қарзимни узиш учун ҳали пул ишлаб топарман ҳам. Аммо меҳр, оқибат, саховат билан боғлиқ қарзларимни фақат пул билан тўлаб бўлмайдида.

Алижон САФАРОВ

МАСЛАХАТЛАР

БОЛА ҚОРОНҒИЛИКДАН ҚЎРҚАДИ

Бир она беш яшар бузилиши оқибатида таъжибланган қоронғи уйда катта-катта тишли бўри бор, тўполон қилсанг сени унинг олдида киргизиб юбораман, еб қўяди, деб огоҳлантирибди. Бу қўрқитиш такрорланавергач, бола қоронғиликдан қўрқадиган ва тутқаноқ бўлиб қолибди. Қилгуликни қилиб қўйган она боласини узоқ вақт югуриб-елиб даволатди.

Ёки боланинг чуқур ва яхши ухлаши оила тинчлигига боғлиқ. Баъзи ота-оналар кўпинча кечаси можаро кўтаришади. Кечда шовқиндан уйғониб кетган бола нотинчликдан ухлай олмай, тинчлиги

бузилиши оқибатида таъжибланган қоронғи уйда катта-катта тишли бўри бор, тўполон қилсанг сени унинг олдида киргизиб юбораман, еб қўяди, деб огоҳлантирибди. Бу қўрқитиш такрорланавергач, бола қоронғиликдан қўрқадиган ва тутқаноқ бўлиб қолибди. Қилгуликни қилиб қўйган она боласини узоқ вақт югуриб-елиб даволатди.

БОЛАНГИЗ МУСТАҚИЛ БЎЛАЯПТИ

Одатда қизиқувчан бола боғчада ўрганган ўйин машғулотларини уйда ҳам давом эттиради. Расм чизади, ҳар

хил пластилиндан шакллар ясади. Ота-она боладаги бу ҳатти-ҳаракатини кўрганда ранжиш ўрнига унга ёрдамлашиши, болани рағбатлантириш зарур. Чунки бола мустақилликка интилаётир, онги ўсаётир. Шунинг учун ота-оналар боланинг турли машғулотларга қизиқишини шунчаки деб қарамасдан алоҳида қизиқса, уларнинг шугулланиши учун барча нарсаларни етказиб берса, фарзандининг ижодий қобилиятини ўстиради.

Шоҳсанам АВЛАҚУЛОВА,
ўқитувчи



Эртанги кун умиди

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Севиқли рафиқам **ФОТИМАХОН!**



4 декабрь таваллуд топган кунинг билан чин юракдан табриклайман. Сенга узоқ умр, бахт-саодат тилайман. Ҳамиша ҳаётинг мунаввар, руҳинг бардам бўлсин. Қўша-қўша фарзандларимизнинг роҳат-фароғатини кўриб, илоҳ қўша қариб юрайлик.

Иzzатулла, Сурхондарё вилояти, Сариев тумани



Ҳурматли ва азиз ўғлимиз, акамиз ва укамиз **Омонулла** Убайдулла ўғли **ҲАБИБУЛЛАЕВ!** Сизни қутлуг 42 ёшингиз билан чин

қалбимиздан муборакбод этамиз. Сизга боқий умр, сиҳат-саломатлик ва бахт-омад тилаймиз. Шодлик, қувонч йўлдошингиз бўлсин.

Волидангиз **Ҳуриниса**, оналарингиз **Насиба**, **Наиба**, укаларингиз **Латифжон**, **Нодиржон** сингилларингиз **Арофат**, **Холидахон**

Ҳурматли курсдошимиз **ХАЙРУЛЛОБЕК!**

Сизни 1-декабр — қутлуг туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Эзгу ишларингизда ривож, ўқишингизда ютуқлар тилаймиз. Яхши кайфият, буюк орзулар қанотида юксакларга парвоз айланг

ДЎСТЛАРИНГИЗ

Меҳрибон онажонимиз **Санталат АЛИМОВА!**



Сизни табарруқ 60 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Илоҳим бу ёшингиз яна бир нечасини кўринг. Биз, яъни 7 фарзандингиз, 21 неварангиз, 1 эварангиз

Сизни қутлаб табрик езиб чарчамайлик, барча фарзандларингиз номидан қизингиз, **Муяссар АЛИМОВА**.

Тошкент шаҳри

Оила

42 ЕШДА

Ҳеч бир инсонни оро йўлда ўз севага еридан айирмасин экан. Бундан икки йил бурун менинг севиқли умр йўлдошим қон босими касаллигидан бу ҳаёт билан мангута видолашди. Уч нафар фарзандим орасида қолди. Нестай фарзандларимни оқ юзиб, оқ тараб оналик ва оталик бурчимни адо этмоқдаман. Лекин барибир онанинг ўрни билинавераркан.

Тошпн-тутишим яхши. 6 хонали кенг участкада яшаймиз. Хўжаликка керакли бўлган ҳамма нарсга старли. Қолган умримга йўлдош бўла оладиган, она таъминларини бошидан кечирган, фарзандсизлик туғайли ажраганимни еки 1-2 фарзандли бўлган оқ кўнгли, меҳр-оқибатли аслининг мактубини кутаман «Оила-384».

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

«Меъмор» хусусий кичик корхона фирмаси номига берилган муҳр ва бурчак штамп йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ДЕРАЗА

АМЕРИКАЛИК ЭНГ БОЙ ОДАМ

38 ёшли Билл Гейтс бугун АҚШдаги энг бой одам ҳисобланади. «Майкросфорт» компанияси акциясининг энг кўп қисми унинг қўлида. «Майкросфорт» компьютерларни дастур билан таъминловчи жаҳондаги энг йирик фирмадир. Фирманинг бозор баҳоси 25 млрд. доллар бўлиб, «Форд», «Женерал Моторз», «Боинг» сингари саноат аждаҳолари баҳосидан ҳам қимматроқдир. Гейтснинг шахсан ўзи 10 йил мобайнида 9,35 млрд. доллар пул ишлади ва бу йил Америка бойлари орасида биринчи ўринга чиқди.

Дарвоқе, Гейтс эл қатори кийинади, уни кўрсангиз, вилоят ўқув даргоҳи студенти деб ўйлайсиз. Иш юзасидан уюштирилаётган сафарларга ҳам «жамоат» самолётларида учади. У бугун бойлигини ўзининг компьютер салтанатини мустаҳкамлашга сарфлайди.

ЮДАШКИНИНГ БАҲОСИ БАЛАНД

Россиядаги энг қиммат моделер бугун Валентин Юдашкин экан. Бу борада у ҳатто рус моделерлари юлдузи Слава Зайцевни ҳам орда қолдириб кетибди.

Бугунги кунда Юдашкин палтолари энг арзон баҳоси 2000 доллар, қимматини эса ўзингиз тасаввур этаверинг. Зайцев моделлаштирган энг қиммат пальто баҳоси зўрга 1770 долларга етади. Уртача баҳоси эса 400 доллар. Юдашкин таклиф қиладиган ишбилармонлар костюми «бор-йўти» 1200 доллар туради, (Зайцевники эса 400 доллар), кечки базмларга мўлжалланган «Ферски» офати кўйлакнинг эса пули ҳам офати — 7000 доллар. Бу кўйлак кийиладиган базмлар дабдabasини шу кўйлак баҳосидан чама-лаб билаверинг.

ХАЙР "ОКА"

«АвтоВАЗ» Акционерлик жамияти кам даромадли ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва мўл даромад келтирадиган автомобилларни кўплаб ишлаб чиқаришга қарор қилди. Қарорга биноан 5-6 модел жигулилари ишлаб чиқараётган конвейрларда шанба кунлари иш тўхтатилади. Асосий эътибор кўп даромад келтираётган «Нива» ва 4-7-9 модел жигулилари ишлаб чиқарадиган конвейрларни кенгайтиришга қаратилди. Янги йилдан бошлаб ВАЗ-21-11 «ОКА» автомобилларини ишлаб чиқариш умуман тўхтатилади.

КАССАГА ЕТКАЗМАДИ

Қозон шаҳрида нон маҳсулотлари баҳоси кескин охиб кетганлиги туғайли фаройиб ўтирлик содир бўлди. Фирма дўконларидан бирида 500 рублик батонга ҳақ тўлашни истамаган миждоз ушланди. У сотувчиларнинг «хай-ҳай»лашига қарамай касса олдида келгунча нонни паққос еб қўйди. Лекин дўкондорлар ҳам анойи эмас экан. Батон пулини келтириб берганидан кейин оласан деб, безбет хариддорнинг бошидан телпагини ечиб олиб қўйишди.

ФОЙДАЛИ МАШҒУЛОТ

Мали давлати пойтахти Бамако шаҳри ҳукумати шаҳар каламушларига қарши кураш эълон қилди. Улар ҳар бир ўлдирилган каламуш учун фуқароларга 50 африка франки тўлашга ваъда берди. Биринчи куннеқ олтига қабул нуқтига икки минг каламуш ўлиги келтирилди. Олдин тилақчилик қилиб юрган юзлаб болалар бир кунда каламуш овчиларига айланган. Ҳатто бозор савдогарлари ҳам каламуш тутиб «бизнес» қилишдан ор қилмапти. Сал вақт ичида каламуш овчиларига тўланган ҳақ юз минг франкдан охиб кетди.

ХОРИЖИЙ МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

Юсуф Хос Хожиб (XI аср) “Қутадғу билим” асарида тасаввуф маслакларидан бири ахийликни тасниф этаркан, фалсафий масалаларнинг бир гуруҳи хусусида ўз қарашларини баён этади. Жумладан у Ўлим масаласига диққатни тортиб, унинг ечимини соф исломий маърифий тарзда тақдим этган. Унинг қарашига кўра, Ўлим барҳақдир, тугилган ўлади. Тугилиш бу ўлимдан дарак еки тирилик, ўлимнинг қариндошидир.

Ўлимга кэчиг йоқ тириг болдачи
Нэча ма тирилса ўлум кэлдачи
(Ўлимдан халос бўлишнинг чораси йўқ, (эй) тирик юргувчи, Қанча яшаман, (оқибат) ўлим келади).

Албатта ўлим бўлмаганида саодатли бир замон бўлиши мумкин эди. Лекин ўлим-Инсонга бир лаҳза тин бериб, унинг ноҳуш ҳавасларини чекловчи сабаб ҳисобланади.

Эриққа тэгурди мени бу ўлум
Ўлум-ул бузуглы тубум ҳам ўлум.
(Бу ўлим мени тинчликка етказди,
Таг-томарини кўпорувчи ҳам ўлумдур)

Чунки жамики тирик жонзот яратилмиш ҳисобланиши билан қасқа умрлидир. Унинг учун моддий ҳаёт (бу дунё) бир тўхтаб ўтиладиган работ ҳисобланади. Яратилмиш сифатига эга бўлишлиги — унинг ўткинчи эканлигидан далолатдир. Аммо кинса умр соҳиб бўлганлиги билан Инсоннинг:

Сақынчи бэдуг ҳам узун тил сўзи

(Ташвиши кўп, тили узун, сўзи баланд парвоздир)

Диққат қилинса Инсон ниҳоятда эрк-сиз; агар эрки бўлганида у ўлимни тугиб қола оларди. Айнаш шу нуқтада унинг қодир Воҳиддан ожиз эканлиги маълум бўлади. Негаки, унга ўлимнинг сирини номаълум:

Билигли йана йоқ билир бу ишиг

ЮСУФНИНГ ЎЛИМ ФАЛСАФАСИ

Уқуглы Уган-ул укар бу ишиг
(Бу ишни биладиган дононинг ўзи йўқ,

Бу ишни тушунадиган якка Қодирнинг ўзидир).

Юсуф Хос Хожибнинг бундай хулосаларга келиши учун аввало Куръон маърифати таъсир этган. Мисол учун “Анкабут” сурасининг 57-оятда буюрилмиш: “Кулду нафсин зоикатул мавти-Хар бир жон ўлим шарабини тотайди”. Бундан хулоса чиқарган Юсуф:

Кэрак эрди билга тирилса кутун,
Камуг ўлсун эрди билгисиз отун
(Донлар бахтиёр яшасалар яхши бўларди,

Барча тубан нодонлар ўлсалар яхши бўлар эди) деган фикрга келса ҳам, унинг фикрига, ўлим-огоҳ этувчи чин бир кучдир. Инсон бундай фикрга келиб, ўз номини абадий (мангу) қолдириш учун ахийларча эзгулик фидойиси ва яратувчисига айланиши лозим. Бу масалани қодир Воҳид инсоннинг ўз эркига қолдирган. Ўлим келмас-

(Жасаднинг макони териладиган эшиқдир (яъни қабрди),

Покиза жоннинг макони арши аълодир).

Бу “покиза жон” умрбўйи Эзгулик билан шуғулланган ахайнинг жонидир. Байтда шундай фикр дарж бўлган: жон (рух) кулли жон (рух)нинг бир парчаси, вақти келиб у ўлим туфайли ўз аслиятига

дан бурун инсон бу имкониятдан фойдаланиши керак.

Диққат қилинса Юсуфнинг ўлим фалсафасида тасаввуфнинг илк назарий шаклланиш жараени дарж бўлган. Кейинчалик (асосан XII-XIII асрларда) тасаввуфда нафсоний ўлиб, рухоний тирилиш (ўлмасдан бурун ўлиш) концепцияси тўлиқ шаклланган эди. Юсуф қарашларида бу ҳолнинг дастлабки унсурлари ўлимга қадар огоҳ яшаш сифатида кўзга ташланади. Шуниси борки, Юсуфнинг наздида табиий Ўлим бу — шунчаки йўқолиб кетиш эмас. У ҳолда Инсон иккита ажралди ва:

Этўзинг эви-ул тэриглик эшик
Сузуг жан эви-ул адизлик йитик

қайтади. Шу сабаб:

Байат билди қанча барыр эрса жан
(Рухнинг қаерга бурурнини Худо билади).

Тан ҳам тупроққа қайтиши билан ўз аслиятини топган бўлади. Чунки вужудда тупроқ сингари тўрт унсур мавжуддир. Шу маънода Инсон:

Қарынды чикардың қарынка кирур
(Қоринда чикардың, қоринга қираман)


деган тушунчага келади. Негаки, қабрининг шакли ҳам ҳомиладор онанинг қоринга ўхшайди. Илло, бу умр бир манзилдан иккинчи манзилга ўтиладиган қарвон йўли. Бу йўлни ким қандай босиб ўтади, Юсуфни шу масала қийнайди ва у шундай хулосага келади:

Киши эсиз эрмас кишилик эсиз
Эран эсиз эрмас кўр эрдан эсиз.
(Инсон эссиз эмас, инсонгарчилик эссиздир (ачинардидир),
Мард эсиз эмас, хислат-фазилат эссиздир).

Шундай қилиб Ўлим фалсафаси Юсуф дунёқарашига ақл мезони сифатида майдонга чиқади. У ўлим туйғусини кўрқувдан бутунлай холи этади. Ҳақиқатан ҳам ўлим Инсон ҳаётида қатта кучдир. Лекин ундан Инсон руҳан голлиб келмоғи лозим. Бу таъкидланганидек, мангу ном қолдириш билан амалга ошади. Ўзгача фидо бўлган ахийлар айнаш шундай ақил билан умрини саодатли яшаб ўтказадилар. Зеро, Юсуф ҳам бу қарашни маъқул топади ва уни XI аср кишисига баралла айтади.

Бу борада Юсуфнинг истеъдодига тан бермай илож йўқ. Техника даврда яшаётган XX аср инсонини бу масалаларга ҳали янгилик кўшолмади. XXI асрда Юсуф сингарилар ўлимини эъза манзилга (оламга) кўчиш деб талкин этишганди. XX асрнинг Раймонд Муудилари бунини илмий исботлаш билан донг таратиб юрибди.

Абдумалик ЕҚҮБ



АБДУЛ ҒАНИ ЖУМА сурати

Сафар хотиралари

«ЙЎЛ АЗОБИ – ГҮР АЗОБИ» ЭМАС

Куз охираб қолганига қарамай ҳаво иссиқ, ҳамма еҳ кўм-кўк. Шимолий вокзал одам билан гавжум. Хар кимнинг ўзига яраша ташвиши бор. Биров олис Олмоняга, яна биров Москвага, бошқиси эса Волга бўйларига йўл олган. Вокзал радиосидан диктор қизнинг овози янгради. У йўловчиларни биринчи йўлакдан “Тошкент — Москва” маршрути бўйича жўнайдиغان 5-поездга чиқишларини илтимос қилди. Кўп ўтмай поезд турган жойидан енгилгина кўзғалиб, Москов томон йўл олди.

5-поезд вагонларининг сиртки кўриниши қамалак рангида безатилган. Уларга лотин ҳафларидеа бежирим қилиб “ЎЗБЕКИСТОН” деб ёзилган. Поезд деразалари бус-бутун, тоза-озода. Ичкарига қадам қўйишингиз билан кўзингиз йўлакка тўшалган чиройли тилламчага тўшади. Купелларда орасталик, озодалик, Маргилон атласи ёйилган стол этиборингизни тортади. Унинг устида атлас ранг чойнак ва пие-

далар. Дам оладиган жойларда янги чойшаб ва қўл арттичлар. Ниҳоятда дид билан безатилган бу поезд проводниклари ҳам ижобий томонга ўзгариб қолгандай. Уларнинг ўзларидан табассум, тиллардан асал томади. Бир пайтлар Москвадан Олмоня, Чехословакия, Польша сингари давлатларга қатнайдиغان поездлар озодаллиги, орасталигига, проводникларнинг мулојим муомаласига жуда-жуда ҳавасим келади. Минг қатла шукрки, мамлакатимиздан олисларга жўнатилаётган поездлар ҳам жаҳондаги энг яхши, олий даражада хизмат кўрсатадиган темир йўл транспортига айлана бопларди.

Козогистон Республикаси ҳудудига кириб келдик. Ҳаво совуқ, деразадан чексиз саҳро кўйидада ўтлаб юрган от-туялар, қўю-қўзилар кўзга ташланади.

Кун бўйи шу манзара ўзгармади. Кун ботиб қоронгу тўшди, енгилгина овқатланганимиздан кейин дам

олидик. Эргалаб соат олишларда аёл кишининг рус тилида “Дешевый хрустал, купите!” деган овозидан уйғониб кетдим. Кўп ўтмай “Рязань” шаҳрига етдик. Нон сотиб олиш мақсадида вокзалга тушдик. Бу ерда қимдир нон, қимдир сув ва яна қимдир сигарет тақлиф қилапти. Нон сотаётган аёл олдига бордим. Иссиқкина бўрсилдоқ нонни қўлимга олиб, эвазига қанча пул беришим кераклигини сўрадим. Аёл 2 минг рубл деди. Қўлоқларимга ишонмай, саволни яна такрорладим. У яна 2 минг рубл деб жавоб берди. 1500 рубл берай дедим. Аёл эса бўлмади ўғлим, сен магазиндаги бахони сўраяпсан. Бу ерда мен ҳам оила боқиб ташвишида юрибман, деб жавоб берди. Хуллас, мен нонни олдим. Лекин кўнгилда мен топши дардида юрган-тун вокзалда иш қилдириб юрган қари, дардиманд кишилар, еш болалар ва аёллар сиймоси қолди. Москва ва Минск шаҳар вокзалларида ҳам бу ҳолатларнинг такрорланганлигининг гувоҳи

бўлдим. Бизда 4 сўм турадиган ноннинг баҳоси Россия ва Белорус шаҳарларида 1200 — 2000 рублгача баҳоланар экан. Бу пулни бизнинг сўмга чакқанда бир буханка нон 10-15 сўм турааркан.

Ўзим учун азиз бўлиб қолган Минск шаҳри вокзалда дўстлар билан учрашдик. Тушлик қилиш мақсадида шаҳар ошхоналаридан бирига кирдик. Тўрт нафар кишига биттадан иккинчи овқат, икки бўлак нон ва кофе бузюрдик. Ҳисоб-китоб пайтида мени ваҳимага солган нарса бу ерда нафақат нон, балки иссиқ овқатнинг ҳам жуда қимматлаб кетганлиги эди. Хуллас, истеъмол қилган икки овқат бизнинг сўм ҳисобига 180, нон ва кофе учун 50, тушлик учун жами ҳар бир кишига 230 сўмдан сарфладик.

Кечкурун бирор егулик олиш дардида шаҳар кездим. Мустақиллик майдонидаги Италияликлар сотиб олган озиқ-овқат магазинидаман. Ҳамма еҳ саранжом-сарипта. Чиройли иш қийимлиги 18—25 ешлар қамасилига бир-бирдан ширин қизлар харидорлар хизматида. Баҳоларга кўз югуртирмаман, бизнинг сўмга солиштиришганда нон — 10-15, гуручнинг бир килоси — 30, тамат пастисининг бир килоси — 45, бир дона тухум 20 сўм. Бир кило мол гўшти 40 сўм. Хуллас магазиндан даярли бўш чикдим. Илгарилар энг гўзал ва арзон озиқ-овқат махсулотлари етиштирадиган бу шаҳарга ҳаелимда қимматчилик кириб келгандай туюлди. Бозор-

даги нархлар ҳам жуда баланд. Иттифоқ мавжуд пайтида саноат регионига айлантирилган бу шаҳарда ҳозирда ўнлаб завод ва фабрикалар мавжуд. Лекин уларнинг кўпчилиги ишламайди. Еки хом аше етишмаслиги туфайли ҳафтасига 3-4 кун ишлайди. Ҳозирги кунда “МАЗ”, “МОТОР”, “КРИСТАЛ” сингари заводларда юз бераётган ахвол фикримизнинг далайлидир. Ваҳолакин, Республикада бу заводлар учун хом аше ҳам, еқили мейлаш материаллари ҳам етишмайди.

Илгари ҳам хом аше базаси ҳисобланган бизнинг дйеримизда эса бутун аста-секин йирик саноат объектлари қад ростламоқда. Унда олтинни, нефтни, пахтани қайта ишлайдиган йирик иншоотлар барпо этилмоқда. Автомобил заводлари ва минглаб турил хил соҳаларга мўлжалланган ишлаб чиқариш объектлари курилмоқда. Шулар ичидеа шойидан гуруч, дондан ун янчадиган минглаб майда заводлар бор. Парвардигорнинг назари тўшган дйеримизда бир йилда икки маротаба хосил олишга киришилди. Утган йили пахта майдонлари қисқартирилиб, улар ўрнига дон ва бошқа қишлоқ хўжалик махсулотлари эқилди. Богдорчилик ва қурилишқўм дарахт қўчқатлари ўтказилди... Хуллас, юртимизда кўп хайри ишлар қилинмоқда. Бунини мен яна бир бор ҳис қилдим.

Муҳаммад СОБИР